

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ
БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****418** **Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
14 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1635-1*

(2009 йил 24 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1995 йил, 12-сон, 247-модда), «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 37-38-сон, 372-модда) қонунларига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1635, 2006 йил 31 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 43-44-сон, 436-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 август,
23/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.